Inson manfaatlari – oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2023-YIL 9-IYUN, JUMA

№ 23 (1438)

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

**2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI**

# САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ БОШЛАНДИ

**Шу йилнинг 9 июль куни мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – муддатидан илгари бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ишлари қизғин паллага кирди.**

Маълумки, Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 5 июндаги қарори билан Халқ демократик партиясидан Улуғбек Илёсович Иноятов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Робахон Анваровна Махмудова ҳамда Ўзбекистон Экологик партиясидан Абдушукур Худойқулович Ҳамзаев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти 2023 йил 7 июндан бошланиши маълум қилинди.

Демак, 7 июндан муддатидан илгари бўлиб ўтадиган Президент сайлови кампаниясининг энг муҳим босқичи – сайловолди ташвиқоти бошланди. Хўш, ушбу жараёнлар қандай тартиб-қоидалар асосида ташкил этилиши лозим?

Бу борада Сайлов кодексининг 44-моддасида сайловолди ташвиқотини олиб боришга оид тартиблар ўз ифодасини топган. Унда белгиланганидек, сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият ҳисобланади.

2




# ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД РОБАХОН МАХМУДОВАНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ИЛК УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Сайловлар – демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг асоси. Ушбу муҳим сиёсий жараёнларга ёндашув қанчалик масъулиятли бўлса, жамият ҳаёти ва унинг келажаги учун ташланган ҳар бир қадам шунчалик муваффақиятли бўлади.**




Айни вақтда мамлакатимиз ҳам ана шундай ўта муҳим сиёсий жараён арафасида турибди. Сиёсий партиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодлар жойларда сайловчилар билан юзлашиб, келажакда халқ ва давлат манфаати йўлида амалга оширишни мақсад қилаётган ғоя ва мақсадлари акс этган Сайловолди дастурлари билан таништиришмоқда. Токи, сайловчи ранг-баранг ва кенг танлов орасида ўзи учун энг муносибига овоз берсин.

Бугун "Адолат" социал-демократик партияси томонидан Президентликка номзод сифатида кўрсатилган Робахон Махмудованинг сайловчилар билан илк учрашуви бўлиб ўтди. Тошкент давлат юридик университетида ташкил этилган учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

2

# Ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига "Адолат" социал-демократик партиясидан номзод Робахон Махмудованинг ишончли вакили сайловчилар билан учрашди.**

"Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – Робахон Махмудованинг Қорақалпоғистондаги ишончли вакили Нурлибой Қайпбергенов сайловчиларни номзоднинг Сайловолди дастури билан таништирди. Нукус шаҳар Тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган учрашувда партиянинг шаҳар Кенгаши ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, меҳнат фахрийлари, ёшлар, фаол хотин-қизлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Н.Қайпбергенов номзоднинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти ҳамда Сайловолди дастуридаги устувор вазифалар хусусида батафсил маълумот берди. Номзоднинг Сайловолди дастурида жамият ривожи билан боғлиқ қатор вазифалар белгиланган. Шу сабаб номзод дастури сайловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

2

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА «Адолат» социал-демократик партиясидан НОМЗОД МАХМУДОВА РОБАХОН АНВАРОВНАНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

## МУҚАДДИМА

2023 йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда халқимиз алоҳида фаоллик, катта ишонч билан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қўллаб-қувватлаб овоз берди.

Албатта, бунинг замирида катта ҳаётий ҳақиқат, халқимиз орзу қилган янги ҳаётни қуриш мақсади мужассам. Зеро, адолатли жамият, демократик ҳуқуқий давлат қуришга азму шижоат қилган эл борки, аввало, фаровонлик йўлидаги ислоҳотларни ўз Конституциясида акс эттиришга, бунда инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини барча қадриятлардан устун қўйишга ҳаракат қилади.

Эндиликдаги вазифа – янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни тараққиёт мақсадларига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини амалда таъминлашдан иборат.

Шу нуқтаи назардан, сиёсий майдонда халқчил ва ҳаётий ғоялари билан ўз ўрни ва обрўсига эга бўлган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдидан Ватанимиз тараққиёти йўлида демократик ҳуқуқий, ижтимоий давлат ва барча учун фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг социал-демократик моделини таклиф этади ҳамда унинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлигини тан олиб, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш;

- Ўзбекистоннинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари ҳукмронлик қиладиган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган кучли ижтимоий давлат сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришиш;

- халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги ҳақидаги конституциявий принцип давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини таъкидлаб, халқ ҳокимиятининг ёрқин тимсоли бўлмиш вакиллик демократияси институтининг роли ва аҳамиятини янада ошириш;

- мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, жамиятнинг инновацион, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва инсон капиталини ривожлантириш;

- ҳар бир инсон фаровонлигининг гарови бўлмиш тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, фуқаролар тотувлиги, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама мувозанатли, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат олиб бориш.

Биз халқимизнинг орзу-умидлари ва ҳаётий эҳтиёжларига асосланган ҳолда, ўтмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб, мамлакатимизнинг келажак авлоди олдидаги масъулиятни ҳис этиб, қуйидаги устувор вазифаларни илгари сурамиз.

3-4

# САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ БОШЛАНДИ

1 Сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охирги куннинг эртасидан эътиборан бошланиши ҳамда сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида ташвиқотга йўл қўйилмаслиги ҳам ўз ифодасини топган.

Сайловолди ташвиқоти даврида мумкин бўлмаган, тақиқланган ҳолатлар ҳам мазкур моддада кўрсатиб ўтилган. Яъни, ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади. Нотўғри ахборотни, шунингдек, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш ҳам тақиқланади.

Бундан ташқари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, судьялар, сайлов комиссиялари аъзолари, диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг сайловолди ташвиқотини олиб бориши қатъиян мумкин эмас. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига ўз мансаб ва хизмат мавқеидан сайловолди ташвиқоти вақтида ҳар қандай сиёсий партиянинг ёки номзоднинг фойдасига ёхуд унга қарши фойдаланиши тақиқланади.

Сайлов кодексининг 45-моддасида сайловолди ташвиқотини олиб боришда қандай усуллар ва шакллардан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни номзодни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш орқали тарғибот-ташвиқот қилиш мумкин. Номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш орқали ҳам тарғибот олиб борилади.

Бундан ташқари, омма олдида очиқ мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, фуқароларнинг йиғилишлари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, роликларни жойлаштириш шаклида ҳам ташвиқот олиб борилиши мумкин. Ташвиқотнинг энг самарали усулларидан бири, бу – оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали амалга ошириш ҳисобланади. Бу борада Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг республика ва ҳудудий телерадиоканалларида бепул ажратиладиган эфир ҳажми ва вақти, “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Халқ сўзи”, “Народное слово” каби республика газеталарида ҳамда 24 номдаги маҳаллий газеталарда бепул ажратиладиган нашр майдони тасдиқланган эди. Сиёсий партиялар ушбу оммавий ахборот воситаларида номзодлар учун тенглик асосида ажратиладиган эфир ҳажми ва нашр майдонидан унумли фойдаланган ҳолда ўз номзодларининг ташвиқотини олиб боришлари мумкин.

Бундан ташқари, яна босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материаллари – плакатлар, варақалар ва материалларни чиқариш ҳамда тарқатиш орқали, шунингдек, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**ЎзА мухбири**




# ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД РОБАХОН МАХМУДОВАНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ИЛК УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ

1 Тадбирни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси М.Дадаходжаева кириш сўзи билан очиб берди. У ўз нутқида йиғилганларни юртимизда кечаётган ўта муҳим сиёсий жараёнлар билан қизғин муборакбод этиб, ушбу сайловолди тадбирларининг келгусида юртимиз равнақи ва фуқароларимиз фаровонлигини таъминлашдаги аҳамиятига атрофлича тўхталди.

Шунингдек, тадбир давомида Президентликка номзод Робахон Махмудованинг ишончли вакили И.Қудратов томонидан йиғилганларга номзод ҳақида батафсил маълумот берилди. Шундан сўнг номзод сайловчиларни халқимиз орзу-истакларига муштарак ғоя ва мақсадлари акс этган Сайловолди дастури билан таништирди.

Шунингдек, учрашув давомида номзоднинг Тошкент шаҳридаги ишончли вакили Собир Турсунов, халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши депутати, Шайхонтоҳур туманидаги 192-умумий ўрта таълим мактаби директори Дилдора Исломова ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, “Сиҳатгоҳ” санаторияси бош шифокори Тошпўлат Матибаевлар сўз олиб, Президентликка номзод Робахон Махмудованинг Сайловолди дастури халқчил, юртпарвар ғоя ва мақсадлар жамланмаси эканлигини эътироф этиш баробарида, йиғилганларни кутилаётган муҳим сиёсий, тарихий тадбирда Робахон Махмудовага овоз беришга чақиришди.

Конструктив руҳда, қизғин савол-жавобларга бой бўлган учрашув сўнггида тадбир иштирокчилари юрт равнақи, фуқаролар фаровонлигини таъминловчи муҳим сиёсий тадбирларда фаол иштирок этишларини билдиришди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг сайловчилар билан учрашувлари давом этади.

**“Адолат” СДП**
**Матбуот хизмати**

# Ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда





__АНДИЖОН.__ **Ўзбекистон “Адолат” СДПдан Президентликка кўрсатилган номзод Робахон Махмудованинг Андижон вилояти бўйича ишончли вакили М.Мусаеванинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбир кун тартибидан битта масала ўрин олди: “Адолат” СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг таржимаи ҳоли ва Сайловолди дастури билан таништириш.**

Номзоднинг Сайловолди дастурида кўтарилган масалалар партиянинг мақсад ва ғояларига ҳамоҳанг эканлиги эътиборли. Ҳуқуқий давлат, ижтимоий адолатни қарор топтириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиёт, таълим ва илм-фан, соғлиқни сақлаш, экология, оилани мустаҳкамлаш, юксак маънавиятли жамият қуриш, тинчликсевар ташқи сиёсат. Бу йўналишларнинг ҳар бири долзарб ва аҳамиятли. Шу сабаб сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

– *Партиямиз томонидан кўрсатилган номзоднинг Сайловолди дастури билан танишиб, бир хулосага келдим,* – деди халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати Ўткирбек Арзиқулов. – *Қонун устуворлиги, адолатли жамият қуриш учун курашиш олдимизда турган энг долзарб вазифа. Бу борада амалдаги қонунчилигимиз мустаҳкамланиб бораётгани, Бош Қонунимизга киритилган ўзгаришлар барчамиз учун асосий қурол. Сайловда иштирокимиз ҳам шу йўлда дадил бир қадам демакдир.*

Тадбирда сўз олган партия фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари ва ёшлар номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан ўз фикрларини билдириб, уни қўллаб-қувватлашди.

1 – *Жорий йилнинг 9 июль куни муддатидан илгари бўлиб ўтадиган сайлов олдидан “Адолат” СДПдан кўрсатилаётган номзод Робахон Махмудованинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти, сайловолди дастури билан танишдик,* – дейди тадбир иштирокчиси Ҳамида Султанмуратова. – *Сайловолди дастуридан менга манзур бўлгани коррупцияга қарши кураш масаласи алоҳида баён этилгани бўлди. Бундан ташқари, номзод дастуридаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини жамоатчилик назоратига олишни янада кучайтириш тўғрисидаги ғоялари менга жуда маъқул бўлди. Бу мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти барпо этилишида энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.*

Тадбир сўнггида сўзга чиққанлар томонидан номзоднинг Сайловолди дастуридаги устувор вазифалар қўллаб-қувватланди.







__ХОРАЗМ.__ **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиздан кўрсатилган номзод Махмудова Робахон Анваровнанинг Хоразм вилоятидаги ишончли вакили Икром Абдуллаевнинг Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалида сайловчилар билан учрашуви ташкил этилди.**

Учрашувда онкологлар ва бошқа тиббиёт соҳаси ходимлари, “Ал Хоразмий” маҳалласи, партия фаоллари ва депутатлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Учрашув аввалида ишончли вакил иштирокчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди ва Сайловолди дастуридан муносиб жой олган устувор ғояларнинг мақсад ва вазифалари, мазмун ва моҳияти тўғрисида ҳаётий мисоллар билан тушунтиришлар берди.

– *Сайловолди дастурида илгари сурилган “Қонун асосида яшаш ҳаёт тарзимизга айланиши зарур. Бунинг учун, энг аввало, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашимиз шарт. Бу борада Конституциямизда илғор ҳуқуқий механизмлар кўзда тутилган бўлиб, биз давлат хизматига ишга кирадиган ҳар бир ходимни Конституцияни билиш бўйича синовдан ўтказиш лозим, деб ҳисоблаймиз” каби устувор масалалар диққатимни тортди,* – деди тадбир иштирокчиси Азамат Бозарбоев. – *Агар конституцион билимларимиз мустаҳкам бўлса, жамиятда содир бўладиган кўпгина муаммоларнинг олди олиниши мумкин. Номзоднинг қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган мақсадлари бизга маъқул бўлди.*

Фикр ва мулоҳазаларга бой бўлган учрашув сўнгида сайловчилар қизиққан саволларига ишончли вакил томонидан батафсил жавоблар олишди.




__НАВОИЙ.__ **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг Навоий вилоятидаги ишончли вакили Рустам Ҳайитовнинг Навоий давлат педагогика институти ахборот кутубхона ресурс марказида сайловчилар билан дастлабки учрашуви бўлиб ўтди.**

Унда партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари, педагоглар, институт тьюторлари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Учрашувда номзоднинг ишончли вакили Рустам Ҳайитов йиғилиш иштирокчиларини партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Робахон Махмудованинг таржимаи ҳоли билан батафсил таништирди. Шундан сўнг номзоднинг Сайловолди дастурида ўрин олган муҳим йўналишлар ва таклифлар тўғрисида батафсил тўхталди.

– *Давлатимизда хотин-қизларнинг таълим олиши ва илм-фан билан шуғулланишлари учун катта эътибор қаратилмоқда,* – деди Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси Нодира Юсупова. – *Хусусан, контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларнинг шартнома пуллари тўлаб берилаётганлиги бу борада давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Номзоднинг дастуридан ҳам айни шу соҳани янада тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги биз каби илм-фан соҳасида меҳнат қилаётган хотин-қизларни янада хурсанд этди.*

__ҚАШҚАДАРЁ.__ **“Адолат” СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Робахон Махмудованинг Қашқадарё вилоятидаги ишончли вакили, партиянинг вилоят кенгаши раиси Руиддин Рауповнинг Қарши шаҳар сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда депутатлар, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаолият олиб бораётган ходимлар, хотин-қизлар ва ёшлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.**

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда ишончли вакил номзод Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари хусусида батафсил тушунча берди.

– *Бош қомусимизга кўра ҳар бир инсон уй-жойга эга бўлишга ҳақли,* – деди ишончли вакил Руиддин Раупов. – *Ушбу конституциявий қоидани таъминлаш учун биз ўзининг даромади билан уй-жойли бўлиш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар учун қўшимча имкониятларни излаймиз. Юртимизда ишлаётган ёлланма ва мавсумий ишчиларга кенг шароитлар яратишга ҳаракат қиламиз, уларнинг меҳнати қадрланиши ва муҳофаза қилинишини, меҳнатига яраша ҳақ олишини, меҳнат стажига қўшилишини ва келажакда муносиб пенсия олиши бўйича чоралар кўришни таклиф қиламиз.*

Учрашувда фуқаролар Президентликка номзод Робахон Махмудованинг Сайловолди дастуридаги асосан суд-ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш, ташқи сиёсат билан боғлиқ йўналишлар бўйича бир қатор саволлар билан мурожаат қилдилар. Ишончли вакил учрашув қатнашчиларини қизиқтирган барча саволларга “Адолат” СДП ва номзоднинг Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда жавоб берди.

**Президентликка номзоднинг ишончли вакиллари билан учрашувлар давом этмоқда.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА «Адолат» социал-демократик партиясидан НОМЗОД МАХМУДОВА РОБАХОН АНВАРОВНАНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

1

## I. ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

Халқимиз маъқуллаб берган Конституцияда илк бор Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлатдир, деган қоида ўз ифодасини топди. Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3,5 баробар кўпайтирилди.

Бу эса барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш энг устувор вазифамиз бўлиши лозимлигини англатади. Негаки, қонун устувор бўлган жамиятда тинчлик ва осойишталик ҳукм суради, тараққиётнинг барқарор ва бардавомлиги таъминланади, халқнинг давлат сиёсатига ва келажакка бўлган ишончи ортади, фуқароларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалади.

Шу нуқтаи назардан, биз "Қонун устуворлиги – адолатли жамият қуришнинг муҳим шарти!" деган тамойилни жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдор шахслар фаолиятининг муҳим қоидасига айлантиришга интиламиз.

"Адолат" СДП учун олий қадрият бу – инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидир!

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун, биринчи галда, судлар мустақиллигини таъминлаш ва шу мақсадда судьяларнинг халқ депутатлари Кенгашларига ахборот бериш амалиётини бекор қилишни илгари сурамиз.

Биз судлар адолат қўрғони бўлиши тарафдоримиз!

Судьялар сонини кўпайтириш, уларнинг ихтисослашувини янада кенгайтириш, жумладан, оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид низолар бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпусини шакллантириш масалалари диққат марказимизда бўлади.

Қонун асосида яшаш ҳаёт тарзимизга айланиши зарур. Бунинг учун, энг аввало, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашимиз шарт. Бу борада Конституциямизда илғор ҳуқуқий механизмлар кўзда тутилган бўлиб, биз давлат хизматига ишга кирадиган ҳар бир ходимни Конституцияни билиш бўйича синовдан ўтказиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органдан "қочиш" стереотипини тубдан ўзгартиришимиз керак. Шундай маданият шакллантиришимиз керакки, токи ҳеч бир инсон у ёки бу ҳуқуқбузарликнинг гувоҳи бўлса, уни кўрмаганга олмаслиги, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга хабар қилиш шарафли фуқаролик бурчи эканлигини англаши лозим.

Бунинг учун ҳуқуқбузарликка гувоҳ бўлган одамни суд ва тергов органларига овора қилиб чақиравермасдан, замонавий рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш ва уларни рағбатлантириш каби усуллардан фойдаланишни таклиф этамиз.

Шу билан бирга, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иш услубини ўзгартириш, хусусан, улар фаолиятидаги ҳали-ҳануз сақланиб қолаётган айрим эскича ёндашувларни бартараф қилиш, янада аниқ айтадиган бўлсак, жазолаш ғоясидан адолат, тенглик, эркинлик ғояларига ўтиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уни муносиб ҳимоя қилишда адвокатура институтининг ўрни ва роли беқиёсдир. Шу боис, одил судловни таъминлашда адвокатга берилган ҳуқуқларни қайта кўриб чиқиш, уларга касбий вазифаларини самарали бажариши учун қўшимча ваколатлар бериш зарур.

Адвокатура институтини ривожлантириш томон яна илдам қадамлар қўйиш керак, судьянинг суд жараёнидаги фаол ролини босқичма-босқич камайтириб бориб, асосан томонлар ўртасидаги келтириладиган далилларни баҳолашга кўпроқ урғу бериш керак.

Биз адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш йўлидан борамиз. Айниқса, адвокатура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини янада яхшилаш чораларини кўрамиз.

Шунингдек, кам аҳамиятли хатолар учун нотариуслар фаолиятини тўхтатиб туриш амалиётига барҳам бериш, биринчи маротаба ёки қўпол бўлмаган хатолар учун нотариусларга жарима қўллаш амалиётини йўлга қўйишни таклиф этамиз.

**Биз коррупциядан холи жамият қуриш йўлида халқимиз билан биргаликда курашни давом эттиришимиз лозим.** Мақсадимиз – давлат бошқарувининг барча соҳаларида, жумладан, суд тизими ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида, таълим ва соғлиқни сақлаш, қурилиш ва бошқа соҳаларда коррупцияни йўқ қилишдир.

Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳити ва маданиятини шакллантириш, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига **"Тоза қўллар" сиёсатини** сингдириш, қонун устуворлигини таъминлаш чораларини кўрамиз.

Ҳукумат аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари ўзи раҳбарлик қилаётган соҳага ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйича биринчи навбатда ўзи жавоб берадиган тизим жорий қилинишини қўллаб-қувватлаймиз.

Коррупцияга қарши курашиш нафақат давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза этиш тузилмаларининг вазифаси, балки бутун жамиятнинг бурчи эканлигини эътироф этиб, жамиятда коррупцияга нисбатан мутлақо муросасизлик маданиятини шакллантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқамиз ва кенг оммага етказиш борасида самарали тарғибот ишларини ташкил қиламиз.

**Асосий шиоримиз – Адолатли келажакни танлаймиз!**

Биз инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун янги имкониятларни очиш тарафдоримиз.

Биз парламентаризм ва парламент демократиясини янада ривожлантириш йўлида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни муҳим деб биламиз:

- тадбиркорлик субъектларига қўшимча харажатлар юклайдиган барча қоидаларни фақат қонунлар орқали қабул қилинишига эришиш;
- қонунларни тўғридан-тўғри ишлайдиган механизмлар билан қабул қилиш, бу борада парламент қўмиталари ишини кучайтириш;
- парламент фаолиятида тадбиркорлик субъектлари ишига аралашмаслик, уларга оид масалаларни ижро органларидан талаб қилиш;
- депутатларнинг иш вақтининг ярмини, албатта, ўз сайловчилари ёнида ўтказишини белгиловчи тартибни жорий этиш керак, улар аҳоли билан бирга ишласин;
- парламент қўмиталарининг раиси ва раис ўринбосари битта партиядан бўлишини тақиқлаш.

"Адолат" СДП маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари устидан депутатлик назоратини кучайтириш орқали халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролини ошириш тарафдоридир.

Ушбу йўналишда давлатда бошқарув интизомини сақлаб қолиш мақсадида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳокимларга нисбатан ишончсизлик билдириш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Биз маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказилиб, такомиллаштирилиши тарафдоримиз.

Маҳаллий бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш учун ушбу маблағлар ҳисобидан молиялаштирилаётган штатлар сонини мақбуллаштириш бўйича ташаббусларни илгари сурамиз.

Биз давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, унда фуқаролар иштирокини кенгайтиришнинг замонавий ва самарадор усулларини жорий қилиш тарафдоримиз.

Бу борада адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуришнинг барча жабҳаларида қонунчилик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиш учун жамоатчилик назоратини кучайтириш катта аҳамият касб этади. Бундай назоратни ташкил қилишда партия жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ҳаракат қилади.

Маълумки, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши лозимлиги Конституциямизнинг 20-моддасида муҳим қоида сифатида алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Биз у ёки бу ҳуқуқбузарликни жаримани ёки бошқа жазо миқдорини ошириш билан эмас, балки жазодан кўзланган мақсадга эришилганлиги ва адолатли ҳал қилинганлиги билан олдини олиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Конституциямизда ҳеч ким суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди ва эркинликни чеклашга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланди.

Айбланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни "сукут сақлаш" ҳуқуқи биринчи марта алоҳида белгилаб қўйилди. Адвокатлар мақоми оширилиб, уларнинг терговчи ва прокурор билан тенг ваколатга эга эканлиги қайд этилди.

Биз Асосий қонунимизга киритилган ушбу илғор нормаларни ҳаётимизга изчиллик билан тадбиқ этамиз. Бунинг учун суд-ҳуқуқ идораларининг кадрлар салоҳиятини яхшилашга бирламчи эътибор қаратамиз.

Ушбу йўналишда, энг аввало, терговчи, прокурор, судья, адвокатларнинг билим ва малакасини юксалтиришга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳаракат қиламиз.

## II. ИЖТИМОИЙ АДОЛАТНИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Барча соҳаларда ижтимоий адолатни қарор топтириш биз учун муҳим.

Биз анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли ижтимоий давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз.

Меҳнат қонунчилиги устуворлиги, ходимлар ҳуқуқлари тўла таъминланиши тарафдоримиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг реал даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Конституциямизга кўра ҳар бир инсон уй-жойли бўлишга ҳақли. Ушбу конституциявий қоидани таъминлаш учун биз ўз даромади билан уй-жойли бўлиш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар учун қўшимча имкониятлар яратиш чораларини кўрамиз.

Биз мамлакатимизда ишлаётган ёлланма ва мавсумий ишчиларга кенг шароитлар яратиб берамиз, уларнинг меҳнати қадрланишини ва муҳофаза қилинишини, меҳнатига яраша ҳақ олишини, меҳнат стажига қўшилишини ва келажакда муносиб пенсия олиши бўйича чоралар кўрамиз.

Конституциямизнинг 46-моддасида пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан кам бўлиши мумкин эмаслиги алоҳида белгилаб қўйилди. Биз ушбу инсонпарвар нормани ҳаётга тўлиқ жорий қилиш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимо диққат-эътиборимиз марказида бўлади. Биз бу борада соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмини кескин кўпайтириш чораларини кўрамиз.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича **"Ижтимоий давлат – 2030"** дастурини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Давлатнинг иқтисодий фаолияти натижасида юзага келган даромадни адолатли тақсимлашни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш бирламчи вазифамиздир.

Биз ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий бир хил ўсишни таъминлаш, туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш тарафдоримиз.

Субсидиялар бериш тизимини такомиллаштирамиз ва мақсадли ишлатилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтирамиз. Агар мақсадсиз ишлатилса, албатта, субсидия давлатга қайтарилиши шарт.

Ижтимоий объектлар ва энг муҳим стратегик объектларда давлат мулкини сақлаб қолиш тарафдоримиз, лекин бунда фуқароларга танлов имкониятини берадиган хусусий сектор ҳам ривожлантирилиши керак. Шундагина ижтимоий адолатни таъминлаган бўламиз.

Конституциямизнинг 67-моддасида монопол фаолият қонун билан тартибга солиниши ва чекланиши алоҳида белгилаб қўйилганлиги бежиз эмас, албатта. Зеро, иқтисодиёт фақат эркин рақобат муҳитидагина ривож топади.

Биз божхона ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириш ҳамда имтиёзларни аниқ соҳаларга бериш тарафдоримиз.

Буюртмачи ва етказиб берувчи ўртасида тузиладиган шартномани чинакам ҳуқуқий воситага айлантирамиз ва бу жараёнга ҳокимиятнинг аралашувига чек қўямиз. Ҳар қандай низо суд қарори билан ечим топишига устуворлик берамиз.

Биз маҳсулот сифатини қатъий давлат назоратига оламиз, стандартларни такомиллаштириб, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда нарх-наволарни сунъий кўтаришга қаратилган хатти-ҳаракатлар учун кучайтирилган жазо чораларини қўллаймиз.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги бошқарув компаниялари фаолиятини такомиллаштирамиз.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмий асосда ташкил этиш, фан ва амалиётнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш яқин келажакда Ўзбекистоннинг аграр соҳадаги улкан имкониятларини рўёбга чиқаришда, қишлоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда, камбағаллик муаммоларини ҳал этишда ижобий натижалар беради, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида об-ҳавонинг кескин ўзгариши, сув танқислиги, ер шўрланиши каби хатарлар ортиб бормоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар ҳамда жисмоний шахсларнинг катта муаммоларидан бирига айланмоқда.

Шу боис, биз қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш тарафдоримиз. Бу борада қишлоқ хўжалигида суғурталаш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жумладан, **«Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш тўғрисида»**ги қонунини қабул қилишни таклиф қиламиз.

Тадбиркорларни кредитлашда фоиз ставкалари тижорат ставкасида, яъни имтиёзли бўлмаса, уларни мақсадсиз ишлатилган деб, жавобгарликка тортиш амалиётига барҳам бериш чораларини кўрамиз.

Биз саноатни ривожлантириш тарафдоримиз!

Саноат электр энергиясисиз бўлмайди. Бунинг учун нафақат атом энергетикаси, балки муқобил электр манбаларидан кенгроқ фойдаланиш чораларини кўрамиз.

Партиямиз анча йиллардан буён муқобил энергия манбалари ва ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланишни илгари суриб келади. Бизнингча, бу жараён рағбатлантирилиши, зарур ҳолларда муқобил энергия манбалари кам таъминланган аҳоли қатламларига давлат ҳисобидан имтиёзли берилиши зарур.

Биз саноат ишлаб чиқаришнинг ва умуман, миллий иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланмиш йўл инфратузилмасини яхшилашга, мавжуд йўлларни таъмирлашга бирламчи эътибор қаратамиз.

Йўлсозлик соҳасида бажарилаётган ишларнинг сифати устидан жамоатчилик назоратини кучайтирамиз. Бу соҳада илмий тадқиқотларимиз ютуқларидан кенг фойдаланиш, олимларимизни рағбатлантириш зарур.

Биз иқтисодиётни инсон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда модернизация қилиш бўйича комплекс чоралар кўрамиз. Жумладан, "Рақамли иқтисодиётда аҳоли бандлигини таъминлаш – 2030" дастурини ишлаб чиқишни таклиф қиламиз.

Мамлакатнинг саноат салоҳиятини ошириш ва ҳудудларни изчил ривожлантиришда кичик саноат зоналари, иқтисодий ва саноат кластерларининг муҳимлигини инобатга олиб, биз ушбу соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз. Бу борада, айниқса, **"Кичик саноат зоналари тўғрисида"** қонун қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Биз адолатли ва самарали солиқ ҳамда бюджет сиёсатини амалга ошириш тарафдоримиз.

Шунингдек, ижтимоий тенглик ўрнатиш мақсадида жисмоний шахслар даромадларига прогрессив солиқларни жорий этиш тарафдоримиз.

Биз давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг шаффофлигини таъминлаш, бунда барча жараёнларни рақамлаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширамиз.

## III. ИЛМ-ФАН, ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖИ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Биз илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш орқали **фан – таълим – ишлаб чиқариш** тизимларининг узвий алоқадорлигини таъминлаймиз.

Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишда таълим, илм-фан ва инновациянинг аҳамиятини ошириш чораларини кўрамиз.

Биз нафақат олимларни, балки ихтиро ва ихтирочиларни ҳам қўллаб-қувватлаймиз, рағбатлантирамиз ва уларга зарур шарт-шароитлар яратамиз.

Шунингдек, интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига нисбатан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, иқтисодиётнинг ҳақиқий локомотиви бўлган инженер, технолог, агроном-механизатор каби мутахассисларнинг сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш чораларини кўрамиз.

Мамлакатимизда илмий тадқиқотлардан олинган ижобий натижаларни тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва биотехнологиялар, гидрология ва сув муаммолари, энергетика, муқобил энергия манбалари ва ресурс тежамкор технологиялар, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳаларга жорий қилиш ишларини изчиллик билан олиб бориш орқали давлатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаймиз.

Афсуски, иқтисодиётнинг реал секторида илмий ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш даражаси, илм-фан, таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари нисбатан паст бўлиб қолмоқда.

Шу боис, биз мамлакатимизда инновацион ривожланишни жадаллаштириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновациялар ва технологияларни кенг татбиқ қилиш, инсон капиталини, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш йўлидан борамиз.

Ҳозирги кунда ривожланган давлат мақомига етишиш учун аҳолининг билим савиясини ошириш ва дунёқарашини талаб даражасида шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, таълимга инвестиция киритиш – халқ фаровонлиги, давлатнинг рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим омили демакдир.

Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамровини кенгайтириш орқали ушбу ташкилотлардаги мавжуд навбатларни камайтириш чораларини кўриш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Боғчаларда жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз зарур. Айниқса, мактабгача ва мактаб таълими мамлакат келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигидан келиб чиқиб, барча боғча ва мактабларга ходимларни ишга олишни очиқ, шаффоф танлов асосида ташкил қилишни йўлга қўямиз.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 52-моддасида давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши ҳақидаги норма ўз аксини топди.

Биз учун ўқитувчининг обрў-эътибори – бу аввало миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир. Шу боис, биз педагог ходимларнинг обрў-эътиборини ошириш ҳамда юксак мақомини белгилаш орқали уларнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган ташкилий чораларни кўрамиз. Шу мақсадда ўқитувчининг мақомига оид қонунни тезроқ қабул қилинишини устувор масала сифатида кўрамиз.

Таълим соҳасида илғор давлатлар тажрибаси ва миллий қадриятларимизга таянган ҳолда мактабларда таълим беришнинг амалдаги стандартларини такомиллаштирамиз.

Биз мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида изчил ислоҳ қилиш тарафдоримиз.

Жамиятдаги ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ҳар бир инсонга олий маълумот олиш имкониятини кенгайтириш чораларини кўрамиз. Марказдан узоқ қишлоқларда яшаб, аъло баҳолар билан ўқиган, ота-она қарамоғисиз қолган, кам таъминланган иқтидорли ёшларнинг давлат ҳисобидан олий таълим олишини кафолатлаймиз.

4

2023 9-IYUL O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

2023-YIL 9-IYUN, JUMA

№ 23 (1438)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА «Адолат» социал-демократик партиясидан НОМЗОД МАХМУДОВА РОБАХОН АНВАРОВНАНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

3

Шунингдек, 2025 йилдан бошлаб бакалавриатга кириш учун инглиз тилини билиш бўйича миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлиш тартибини жорий этиш чораларини кўрамиз.

Бу орқали талабаларда жаҳон таълими ва илм фанига тўсиқларсиз қўшилиш имконияти яратилади.

Юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш мақсадида докторантурани ислоҳ қиламиз, докторантурада илмий тадқиқот методлари, илмий мақола ёзиш бўйича курсларни киритамиз, диссертация ҳимоя қилишда нуфузли илмий базаларда илмий тадқиқотлар натижаларини чоп этиш талабини жорий қиламиз.

## IV. АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ УЛКАН БОЙЛИК, ЖАМИЯТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ ГАРОВИДИР

Биз аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий технология ва даволаш усулларини кенг жорий қилишни давом эттириш тарафдоримиз.

Дунёнинг энг илғор соғлиқни сақлаш тизимлари (Тайвань, Жанубий Корея, Япония, Франция, Дания, Исроил, Германия ва бошқалар) тажрибасидан келиб чиқиб, тиббиёт соҳасини янада ислоҳ қиламиз.

Жумладан, “ақлли тиббиёт” тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, тиббиёт соҳасига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишни кенгайтириш тарафдоримиз.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимини ижтимоий давлат тамойилига мувофиқлаштирган ҳолда “Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси” лойиҳасини янада такомиллаштириш, унда, соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Айниқса, нодавлат тиббиёт ташкилотларини тижорат ташкилотидан нотижорат ташкилотига ўтказиш бўйича амалий чораларни кўрамиз. Тиббиёт даромад олиш манбаига айланмаслиги тарафдоримиз.

Биз тиббиёт ходимларининг мақомини қонун билан белгилаймиз, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларга нисбатан турли тазйиқларнинг олдини олиш мақсадида қонунчилигимизни янада такомиллаштирамиз.

Тиббиёт соҳасида малака оширишнинг марказлашган тизимини қайта кўриб чиқишни, малака оширишни ихтисослашган марказларда ва вилоятларда ташкил этишни таклиф этамиз.

Шунингдек, репродуктив саломатлик масаласи, онкология, сил, қанд касалликларининг олдини олиш ва давлат ҳисобидан даволаш алоҳида диққат-эътиборимизда бўлади.

Биз оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратамиз. Оналар ва болалар ўлимини, болаларнинг нуқсонли туғилишининг олдини олиш борасидаги ишларни такомиллаштирамиз.

Биз аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини янада оммалаштиришга, жисмоний-тарбия ва спортни ривожлантиришга бирламчи вазифа сифатида эътибор қаратамиз.

Бунда ҳар бир фуқаролар йиғини ҳудудида спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ҳисобидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш, ижтимоий дорихоналарни ривожлантириш, оғир касалликлари бор беморларни давлат томонидан даволашни кенгайтиришни қўллаб-қувватлаймиз.

Фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувлар ортидан беморларга ҳаддан зиёд дорилар сотиб олишга ундаш авжига чиқиб кетганлиги барчамизни ташвишга солмоқда.

Афсуски, Ўзбекистон антибиотиклар истеъмоли бўйича жаҳонда етакчи ўринларга чиқиб кетди. Тиббиёт муассасаларидаги кўплаб фаолиятга очиқчасига фармацевтика ташкилотлари томонидан ҳомийлик қилинади. Бунга чек қўйиш вақти келди. Миллат соғлиги ва генофонди ҳам шу масалаларга боғлиқ.

Тиббиёт соҳасидаги бундай муносабатлар тўғридан-тўғри коррупция сифатида баҳоланиши лозим. Тиббиётчилар ва фармацевтлар ўртасида ноқонуний мулоқот тўлиқ тақиқланиши керак, бундай мулоқотлар ва совғалар учун жазо муқаррар бўлиши, янги дорилар ва даволаш услублари фақат вазирлик томонидан тушунтирилиши лозим. Умуман, тиббиёт соҳасидаги давлат харидлари бўйича алоҳида тартиб белгилаш тарафдоримиз.

Шундай қилсак, дориларнинг ягона электрон базасини янада такомиллаштириш орқали дори-дармонларнинг ноқонуний айланмасига, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари ўртасидаги яширин келишувларга ҳамда дорилар нархининг асоссиз оширилишига чек қўйса бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор мақсадларимиздан яна бири қишлоқда ва таълим тизимида тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдир.

## V. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаси давлат, ҳокимият, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари – жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, ОАВ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этади.

Биз ижтимоий тараққиёт дастурларини кенг жамоатчилик иштирокида экспертизадан ўтказиш, биринчи навбатда, туман ва шаҳарлар миқёсида жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш тарафдоримиз.

Шу билан бирга, биз ижтимоий аҳамиятга молик, фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз, нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолияти учун янада қулай шароитлар яратиш ҳамда ҳомийлик фаолиятини кучайтириш тарафдоримиз.

Нодавлат-нотижорат ташкилотларининг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида муаммоларни ҳал қилишдаги фаол иштироки бизнинг доимий диққат-эътиборимиз марказида бўлади.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш, аҳолининг маънавий юксалиши ва моддий фаровонлиги ортиши учун биз ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг, жумладан, маҳаллаларнинг тараққий этиши тарафдоримиз.

Биз давлат ҳокимиятининг қатор ваколатларини маҳаллага ўтказиш тарафдоримиз. Бу борада маҳалла тизимининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирамиз.

ОАВ мустақиллиги ва эркинлиги, журналистнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни янада кенгайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир.

Олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда ОАВнинг фаоллигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда унинг ролини кучайтириш, моддий-техник базасини янгилаш, уни технологик модернизация қилиш, журналист касби нуфузини ошириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари доимий диққат-эътиборимиз марказида бўлади.

Маълумки, Конституцияда Ўзбекистон дунёвий давлат деб эълон қилинди. Биз ушбу конституциявий тамойилни амалда тўлиқ рўёбга чиқариш йўлидан борамиз.

Таъкидлаш жоизки, қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча фуқароларнинг маданий ва диний ўзига хослигини таъминлашга, турли-туман маданиятлар ҳамда тилларни сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муносабатларини сақлашга имкон берадиган ўзига хос модель яратилди.

Биз бундан буён ҳам миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор қаратамиз. Мақсадимиз – мамлакатимизда асрлардан буён ёнма-ён, бир ёқадан бош чиқариб яшаб келган турли миллат ва элатларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлантиришдан иборат.

Зеро, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ўзгаришларнинг барқарор ривожланиши ва муваффақиятли амалга оширилиши халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи юксалишининг муҳим омилидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамияти институтларига бағишлаб алоҳида боб киритилганлиги айни муддаодир. Шу билан бирга, амалдаги қонунчилигимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари алоҳида ва тарқоқ ҳолда бўлиб, амалдаги нормаларни янги конституциявий қоидалар асосида такомиллаштириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг кафолатларини янада кучайтириш муҳим вазифалардан биридир.

Шу нуқтаи назардан, фуқаролик жамияти институтлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти кафолатларини янада мустаҳкамлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз.

## VI. ЭКОЛОГИЯ – АТРОФИМИЗДАГИ ОЛАМНИ ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ!

Экологик муаммоларни ҳал этишда биз ўз саъй-ҳаракатларимизни, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига қаратамиз. Барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат давлат бюджетига юклаш тўғри бўлмайди. Биз **“Экологияни ифлослантирувчи – компенсация тўлаши лозим”** деган принцип тарафдоримиз.

Биз бу каби тадбирларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, экологик жамоат бирлашмалари билан нафақат умуммиллий миқёсда, балки муайян ҳудуд шароитларида атроф-муҳит ифлосланиши, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчиликдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича яқиндан ҳамкорликни йўлга қўямиз.

Биз дарахтларнинг ноқонуний кесилишига қарши аёвсиз кураш олиб борамиз. Шаҳарларимиздаги барча қурилишлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳолда олиб борилиши бўйича қўшимча чоралар кўриш зарур.

Бунда Конституциямизнинг 49-моддасига киритилган шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги нормани ҳаётимизга тўлиқ татбиқ этамиз.

Мамлакатимизда 21 миллион гектардан зиёд яйлов ерлари мавжуд бўлиб, улар чорвачилик, ипакчилик, асаларичилик каби кўплаб тармоқлар учун муҳим манба ҳисобланади.

Шу боис, биз яйлов ерларидан унумли фойдаланиш чораларини кўрамиз. Бунинг учун, биринчи навбатда, янги таҳрирдаги **“Яйловлар тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф қиламиз. Бизнингча, шу йўл орқали кўплаб иқтисодий лойиҳаларга кенг йўл очилади.

Ўзбекистонда “Қизил китоб”га киритилган ҳайвонларни асраш келгусида бирламчи вазифамиз бўлиб қолади. Ўзбекистон флора ва фауна дунёсига жуда бой давлат, ўсимлик ва жониворларнинг қатор турлари аста-секин йўқолиб бормоқда, шу боис, биз табиатни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу борада, айниқса, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришни долзарб вазифа, деб биламиз. Чотқол биосфера, Зомин, Сурхон, Нурота ва Қизилқум давлат қўриқхоналари, шунингдек, Қуйи Амударё давлат биосфера резерватининг моддий-техник базасини янада яхшилаймиз.

Шу боис, биз ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи, ёввойи ҳайвонлар ҳолатини самарали мониторинг қилиш имконини берувчи, овчилар ва овчилик хўжаликларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ акс эттирувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинишини муҳим вазифа, деб биламиз.

## VII. АЁЛ – МУҚАДДАС, ОИЛА – ЖАМИЯТ АСОСИ

Аёлларимизнинг оилада тутган ўрни беқиёсдир. Зеро, оқила аёллар ўз меҳри билан оиладаги ижобий муҳитни, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни сақлаб турадилар.

Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш фаолиятимизнинг устувор йўналишидир.

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларидаги хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз хотин-қизлар фаоллиги ва ролини оширишда бардавом бўлиб, барча бўғиндаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хотин-қизлар вакилларини кўпайтирамиз.

Аёлларга нисбатан оилавий зўравонликка қарши қабул қилинган қонунларнинг ижросини сўзсиз таъминлаймиз. Бу борада алоҳида дастурлар ишлаб чиқамиз ва амалга оширамиз.

Конституциямизда оила институтига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оилани қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш бўйича чоралар кўриши алоҳида белгиланди.

Биз ушбу ҳаётбахш конституциявий нормалардан келиб чиққан ҳолда, **“Оналик, оталик ва болаликнинг давлат муҳофазаси тўғрисида”**ги қонунни қабул қилиш ташаббусини илгари сурамиз.

Бу эса, ўз навбатида, оила институтини мустаҳкамлашни янги конституциявий нормалар асосида қайта кўриб чиқишни ҳамда такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Биз оилаларда тенг ҳуқуқли ва адолатли муносабатни, маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга асосий эътиборимизни қаратамиз.

Энг аввало, оилалар ажралишининг олдини олиш чораларини кўрамиз. Оила институтини мустаҳкамлаш бўйича миллий индексларни ишлаб чиқамиз.

Репродуктив саломатлик ва демографик ривожланишни барқарор таъминлаш мақсадида, “Соғлом оила – соғлом жамият 2030” дастурини ишлаб чиқамиз ва амалга оширамиз.

## VIII. ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТАМИЗ

Ҳар қандай жамият мустаҳкам маънавий пойдеворга эга бўлгандагина тараққиётга эриша олади.

Адолат ва маънавият ўзаро боғлиқ, эгиз тушунчалардир. Маънавият бўлмаган жойда адолат ҳам бўлмайди.

Ҳуқуқий маданиятни маънавиятнинг асоси деб биламиз, шу боис, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида Конституцияни боғчадан бошлаб ёшлар онгига сингдириш тизимини жорий қиламиз.

Маънавий тарбиянинг устуворлигини таъминлаш учун давлат барча маданий, тарихий ёдгорликларни ва табиат ёдгорликларини рўйхатдан ўтказиши ва сақлаши, уларга маблағ ажратиши шарт, деб ҳисоблаймиз.

Биз Ўзбекистонда адолатли жамият ва давлат барпо этиш жараёнлари, бунёдкор халқимиз ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш, халқимиз, ёшларимизнинг руҳий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли бузғунчи кучлар, маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг олдини олишнинг қонуний асосларини яратишни ўзимизнинг бош мақсадимиз, деб биламиз.

## IX. ТИНЧЛИКСЕВАР, АДОЛАТЛИ ВА ПРОГРЕССИВ ТАШҚИ СИЁСАТ ТАРАФДОРИМИЗ

Конституциямизнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикаси хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатни амалга ошириши белгиланди.

Биз ушбу прогрессив нормадан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциясини янада чуқурлаштириш, узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар билан икки томонлама манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирокини янада кенгайтиришни долзарб вазифа, деб биламиз.

Айниқса, Марказий Осиёни амалда барқарор, ҳар томонлама ривожланган ва яхши қўшничилик алоқалари йўлга қўйилган динамик – минтақага айлантириш, қўшни мамлакатлар билан савдо иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий соҳаларда алоқаларни янада чуқурлаштириш бўйича ишларни давом эттирамиз.

Мухтасар айтганда, Марказий Осиё минтақаси кейинги йилларда ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши бўлиб қолади. Зеро, мамлакатимизнинг тақдири минтақадаги қўшни мамлакатлар тақдири билан чамбарчас боғлиқдир.

Биз мамлакатимизнинг туб миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда яқин ва узоқ хориж давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларини янада мустаҳкамлашни ўз олдимизга мақсад қилиб олганмиз.

Айниқса, илғор тараққий этган мамлакатлар билан юқори технологиялар, замонавий инновациялар, инвестициялар соҳасида ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш дастури доирасидаги ижтимоий ва гуманитар лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни устувор вазифаларимиздан бири, деб ҳисоблаймиз. БМТ ва унинг ихтисослашган институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ижтимоий соҳага доир дастурларни ҳамкорликда амалга оширишда фаол иштирок этишни қўллаб-қувватлаймиз.

Биз мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолигини жадаллаштириш йўлидан борамиз. Нега деганда, айнан ЖСТга аъзолик миллий иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни тезлаштириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, ташкилотга аъзо мамлакатлар билан барқарор савдо муносабатларини ўрнатиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, биз дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар, яқин-узоқ минтақаларда кузатилаётган зиддият ва тўқнашувларни теран англаган ҳолда юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш тарафдоримиз.

“Адолат” СДП номзоди ўз олдига юқорида қайд этилган олижаноб ва эзгу мақсад-вазифаларни белгилаб олган. Улар адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуришда – ижтимоий ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш, меҳнаткаш халқимиз учун муносиб фаровон ҳаётни барпо этиш, мамлакатимизда барқарорликка ва ижтимоий адолат устуворлигига эришишга қаратилгандир.

Ҳаётда ижтимоий адолатни ўрнатиш, албатта, кўпдан-кўп омилларга боғлиқ. Сайловчиларнинг фаол иштироки ва хоҳиш-истаги асосида биз мамлакатимизда кейинги 7 йил мобайнида уларни ҳаётга татбиқ эта оламиз.

Ишонамизки, партиянинг бундай улуғвор мақсадлари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади!

Сайловда партиямиз кўрсатган номзод қўллаб-қувватланса, азиз юртдошларимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун, белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш учун бор куч-ғайратимизни сафарбар қиламиз!

**Ўзбекистон – бизнинг умумий уйимиз. Шундай экан, унинг ҳар бир фуқароси эркинлик ва адолат, тинчлик ва фаровонликда яшашга ҳақлидир!**

**Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлатни биргаликда қурамиз!**

# Қонун устуворлиги таъминланган жамият учун ОВОЗ БЕРАМИЗ

***Мамлакатимизда илк бора Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси халқимиз муҳокамасига тақдим этилиб, умумхалқ овозига – референдумга қўйилган ҳолда тўғридан-тўғри овоз бериш орқали қабул қилинди. Референдумда овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 90,2 фоизи Бош қомусимизни ёқлаб овоз берди.***



**Иномжон ҚУДРАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

Конституциямиздан барча соҳаларни такомиллаштиришга қаратилган юксак инқилобий нормалар ўрин олди, энди ушбу нормаларни зудлик билан ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш лозим бўлади.

Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг янги Конституциясидан ўрин олган шундай нормалардан бири бу, Ўзбекистон Республикаси Президенти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлашга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилганлигидир.

Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан янгиланган Конституциянинг 128-моддасида белгиланган ваколатга таянган ҳолда **"Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида"**ги фармони имзоланди.

Президент Ш.Мирзиёев жорий йилнинг 8 май куни Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда бундай қарорга келишнинг объектив заруратларини таҳлилий маълумотлар билан асослаган ҳолда аниқ ва батафсил ёритиб берди.

Хусусан:

биринчидан, *ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислоҳ қилиниб, улар ўртасидаги муносабат ва мувозанат жиддий ўзгараётганлиги;*

иккинчидан, *янгиланган Конституцияда Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар, ҳокимлар олдига кечиктириб бўлмайдиган янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазифалар қўйилганлиги;*

учинчидан, *халқимиз барча соҳаларда ғоят муҳим ва долзарб ўзгариш ва ислоҳотларни кутаётганлиги;*

тўртинчидан, *дунёда ва минтақамизда кескин ва мураккаб жараёнлар ҳукм сураётган ҳозирги вазиятда тўғри ва самарали ривожланиш йўлини излаб топиш ва уни амалга ошириш энг ўткир ва долзарб масалага айланаётганлиги таъкидланди.*

Шу билан бирга давлат раҳбари бутун халқимизга мурожаат қилиб, фақат халқимиз ўзи ишонган раҳбарга мандат бериши мақсадга мувофиқлигини айтди.

Фармонга кўра, муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жорий йилнинг 9 июль куни бўлиб ўтиши белгиланди.

Албатта, Президент сайлови халқаро мезонлар ва стандартларга мос миллий сайлов қонунчилигига, унда белгиланган очиқлик, ошкоралик, эркинлик ва адолат каби умумэътироф этилган демократик принципларга тўла мос ҳолда, кўтаринки руҳда ўтказилади. Бунда сиёсий партиялар, Президентликка номзодлар юртимиз тинчлиги ва унинг равнақига, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқишади.

Президент сайловида партиямизнинг ўз номзоди билан иштирок этиши учун барча асослар бор. Чунки "Адолат" СДП ўтган йилларда республикамиздаги етук сиёсий кучлардан бирига айланишга улгурди.

Зеро, Президент сайловида иштирок этиш орқали биз партиямизнинг халқимиз орасидаги нуфузини янада мустаҳкамлаш имконига эга бўламиз.

Шу билан бирга, биз Сиёсий платформамизда белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш, уларнинг самарали ижросини таъминлаш масалаларида муҳим қадам ташлашга эришамиз.

Партиямизнинг асосий мақсади Ўзбекистонимизни ҳар соҳада ривожлантириш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, халқимиз учун тинч ва фаровон турмуш шароитини яратишдан иборатдир.

Айниқса, дунё сиёсий амалиётида кенг қўлланиладиган ва тан олинган социал-демократик ғояларнинг ўзбекона қадриятларимиз, миллий ўзига хослигимиз, халқимизнинг менталитетига уйғунлашган ҳолда ифода этилганлиги бизни қувонтиради. Бу, биринчи навбатда, партиямиз ютуғидир.

Биз шу нуқтаи назардан ёндошган ҳолда, "Адолат" СДПнинг жорий йил 12 май куни бўлиб ўтган пленум йиғилишида партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатиладиган номзод борасида аниқ тўхтамга келдик. Биз бунда, аввало, номзоднинг партия ғояларига муносиблигига эътибор қаратдик. Албатта, номзод қайси соҳада фаолият олиб бориши, билим, тажриба, ишдаги ютуқларидан қатъи назар, энг аввало, партия ғояларига содиқ қолиши керак. Шу боис, номзод тавсия этиш жараёнида бу жиҳатга алоҳида эътибор бердик.

Номзодимизни қўллаб-қувватловчи имзолар тўплаш ҳамда ҳудудий партия ташкилотларидан Қурултойга делегат сайлаш жараёнлари намунали якунланди. Биз партиянинг навбатдан ташқари 11-Қурултойида Махмудова Робахон Анваровнани Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида тасдиқладик ҳамда номзоднинг кенг кўламли, халқ фаровонлиги таъминланадиган адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг социал-демократик модели таклиф этилган Сайловолди дастурини диққат ва қизиқиш билан ўрганиб чиқдик.

Шубҳасиз, партия томонидан Президентликка тавсия этилган номзоднинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги узоқ йиллик тажрибаси, эл орасида обрў-эътиборга эга эканлиги, энг асосийси, ҳуқуқшунос сифатида олиб бораётган фаолияти партия ғояларини амалиётга жорий этишда ижобий самара беради.

Демак, энди кўп сонли "адолатчи"ларнинг асосий вазифаси номзодимизнинг Сайловолди дастурини кенг аҳолига етказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини намунали ўтказишдир.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида биз Янги Ўзбекистонимизнинг келажагини танлаш билан бирга эл-юрт истиқболи учун овоз берамиз.

# ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНАДИ

***Янги Ўзбекистон – бу замонавий дунёда бутунлай янгича қадамлар қўяётган, умумэътироф этилган халқаро тамойилларга мутаносиб тарзда эркин жамият қураётган, юксак марраларни кўзлаётган давлат.***

***Ҳадемай юртимизда жуда муҳим сиёсий жараён – Президент сайлови бўлиб ўтади. Мазкур сиёсий тадбир ҳам янгиланган сайлов қонунчилиги асосида ўтказилади.***



**Зарина ИСРОИЛОВА,**
**доцент, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)**

Зеро, миллий сайлов қонунчилиги халқаро умумэътироф этилган тамойиллар, халқимизнинг фикрлари, таклифлари асосида такомиллаштирилди ҳамда мамлакатдаги демократик ислоҳотлар билан уйғунлаштирилди.

Янгиланган Конституциямизнинг XXII бобида сайлов тизимига оид асосий қоидалар мустаҳкамланди.

Хусусан, Бош қомусимизга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Бундан ушбу Конституцияда назарда тутилган муддатидан илгари сайлов ўтказиш ҳоллари мустасно.

Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлашга ҳақли.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссиялари тизимига бошчилик қилади, ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан комиссия аъзолари орасидан беш йиллик муддатга комиссия мажлисида сайланади. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Марказий сайлов комиссиясининг раиси этиб сайланиши мумкин эмас.

Конституциянинг такомиллаштирилиши асосида сайлов жараёнлари билан боғлиқ бундай нормалар мустаҳкамланиши сайловнинг қонунийлик, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтишида муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда Сайлов кодексига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтсак.

Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши мумкин.

Қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, сайловга оид янгиланган қонунчилик фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатларини ҳамда давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янада кенгроқ таъминлашга хизмат қилади.

***Мамлакатимизда шу кунларда Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституцияси талабларига мувофиқ муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловни ўтказиш ишларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Партиялар илгари сурган номзодлар ўз дастурларини бирма-бир эълон қилиб, ўз сайлов кампаниясини бошлаб юборишди. Марказий сайлов комиссиясининг жойлардаги округ ва участка сайлов комиссиялари шакллантирилиб, уларнинг фаолияти юқори даражада ташкил этилмоқда.***

# Сайловни ўтказишнинг демократик принциплари

**Авазбек ШЕРМАТОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти кичик илмий ходими**



Шубҳасиз, демократик жамиятнинг бош тамойили сайлов, танлов эркинлиги ҳисобланади. Замонавий демократик жамият ҳаёти ҳар бир фуқаронинг давлат ва жамият ҳаётига оид энг муҳим масалаларни ҳал этишда иштирок этиш ва сайловлар орқали эртанги кунини мустақил ва эркин тарзда белгилаш имкониятига эга эканлигига асосланади.

Илғор демократик давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам сайловлар демократик жамиятни қуриш йўлида долзарб аҳамият касб этади. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда Президент ва парламент, маҳаллий вакиллик органлари сайловлари мунтазам равишда ўтказиб келинади. Ўзбекистонда сайловлар, хусусан, Президент сайловлари тўлалигича демократик принциплар асосида ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясининг XXII боби сайлов тизимига бағишланган бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизимига оид муҳим тамойил ва нормаларни белгилайди.

Ушбу бобда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг муҳим принциплари мустаҳкамлаб қўйилган. Бу принциплар сайловларни халқаро сайлов стандартлари асосида очиқ-ошкора ва демократик тарзда ўтказишга имкон беради. Ушбу принципларнинг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат:

УМУМИЙ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ. *Мазкур принципнинг моҳияти сайловларнинг барча учун умумий эканлиги, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалигини, шунингдек, фуқаролар жинси, ирқи ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгалигини англатади.*

ТЕНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ. *Бу принципга кўра, сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлиб, уларнинг овозлари тенг ҳисобланади. Яьни, овозларни санашда битта сайловчининг овози бошқаси билан тенглигини, бирорта овоз бошқасидан устун эмаслигини ифодалайди. Шунингдек, сайловда иштирок этишдаги тенгликни ҳам қамраб олади.*

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ. *Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқаролар томонидан бевосита сайланади. Бу принцип сайловчининг бевосита, яъни бирон-бир вакилсиз, тўғридан-тўғри ўзи овоз беришини англатади. Бир кишининг номидан бошқаси овов бериши ушбу принципга зид ҳисобланади.*

ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИ. *Ушбу принцип мазмунига кўра, сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди. Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади.*

Ўзбекистон Республикасида Президент сайловлари юқорида таъкидланганидек, умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Фуқаронинг Президент сайловида иштирок этиши эркин ва тўлиқ ихтиёрийдир, унда ўн саккиз ёшга тўлган ҳар қандай лаёқатли фуқаро қатнашиши мумкин. Ушбу тамойиллар Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида амал қилади. Бундан ташқари, сайлов участкаларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиб, турли қонунбузарликларга йўл қўйилмайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, айни пайтда мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган, демократик тамойилларга асосланган давлат раҳбари сайловини адолатли ўтказиш учун барча зарур сиёсий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Сайлов жараёнининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституцияси ва 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодекси асосий ўринни эгаллайди. Бугунги кунда қонун сайлов жараёнининг барча босқичларини тўлиқ қамраб олган бўлиб, фуқароларнинг ўз сиёсий хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Сайловлар, шубҳасиз, мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Сайловнинг асосий вазифаси ҳокимият ва жамият ўртасидаги сиёсий соҳадаги алоқанинг асосий канали бўлишдан иборат. Сайловларсиз бундай мулоқот имконсиздир. Жамият ҳокимиятни шакллантириш, қонунийлаштириш ва бошқаришда сайлов жараёнлари орқали иштирок этади. Сайловлар жамиятнинг сиёсий етуклиги даражасини ҳам белгилаб бериб, эртанги кунга даҳлдорлик ҳиссини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, навбатдаги Президентлик сайлови халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлиши шубҳасиз. Янги Ўзбекистонни қуриш йўлида халқимиз ўзи муносиб кўрган номзодни танлашига ишонамиз.

Муносабат

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ШИКОЯТ ҚИЛИШ имкониятлари кенгаймоқда



***Юртимизда сўнгги йилларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва мустаҳкам ҳимоя қилиш тизимини яратиш масаласига сиёсатнинг энг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда, жумладан, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар амалиётга татбиқ этиб келинмоқда.***

**Дилмурод ИСМОИЛОВ,**
**"Адолат" СДП фракцияси раисининг ўринбосари**



Судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг очиқ ва шаффоф механизмини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ягона суд амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Олий суд ва Олий хўжалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди. Давлат органлари қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган маъмурий судлар ташкил этилди.

Судларни молиялаштириш тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Тегишли фармонга мувофиқ, 2021 йилдан бошлаб судья ва суд органлари ходимларининг иш ҳақлари ҳамда қўшимча тўловлари тўлиқлигича Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланди. Шунингдек, судьяларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди.

Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси негизида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

"Хабеас корпус" институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди.

Жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди ва далилларга баҳо бериш институти тубдан такомиллаштирилиши эса, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама текширилиб, далилларга холисона баҳо берилишига, натижада оқлов ҳукмлари кўпайишига асос яратди.

Айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс айбига иқрор бўлса, етказилган зарарни қопласа ва жабрланувчи уни кечирса, иш суд томонидан тугатилаши, шахс жавобгарликдан озод этилиши белгиланди.

Шу нуқтаи назардан, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлар замон билан ҳамнафас бўлиши ва фуқароларнинг талаб ва хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда доимий равишда такомиллаштириб борилиши ҳам давр талаби ҳисобланди.

Инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилди. 2017 йилга қадар 6 суд инстанциясида суд қарорлари қайта кўриб чиқилган бўлса, кейинги уч йилда бу инстанциялар сони 3 тага қисқартирилди.

Халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли биринчи инстанция (туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича – вилоят судлари, апелляция инстанцияси (вилоят даражасидаги судлар) ва кассация инстанцияси (Олий суд)дан иборат бўлган тизим яратилиб, "Бир суд – бир инстанция" тамойили жорий қилинди. Шунингдек, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган назорат инстанцияси бекор қилинди.

Албатта, мазкур тизимнинг жорий этилиши ўзининг ижобий натижасини берди ва фуқароларга ўзларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш учун кенг имкониятларни очиб берди.

Бироқ ўтказилган таҳлиллар ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш натижаларига кўра мазкур тизим ўзининг ижобий натижаси билан бир қаторда айрим муаммоларнинг ҳам келиб чиқишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатди.

Хусусан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда "Бир суд – бир инстанция" тамойили асосида кассация инстанциясида ишларни кўриш Олий суд ваколатига ўтказилиши ўрта бўғин – вилоят судлари имкониятларидан самарали фойдаланилишини чекламоқда.

Рақамларга эътибор берилса, 2020 йилда Олий суд томонидан 1 291 та иш кўриб чиқилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 7 560 тага етган. Натижада, Олий судда иш ҳажми кескин ошиб кетиши билан бирга фуқаролар олис ҳудудлардан ортиқча вақт ва харажат сарфлаб Олий судга келишга мажбур бўлишмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2021 йилда Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьясининг бир ойлик ўртача иш ҳажми 89 тани ташкил қилган.

Бундан ташқари, апелляция тартибида кўрилмаган ишларнинг келгусида кассация инстанциясида кўриб бўлмаслиги ҳақидаги қонун талаблари фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шунга кўра, суд қарорлари устидан шикоят қилиш имкониятларини кенгайтириш орқали ишларни кўриш муддатлари бузилишининг олдини олиш, судьяларнинг иш сифатини яхшилаш, ишларни кассация тартибида кўриш ваколатини ҳам ўрта бўғин – вилоят судларига берилиши орқали уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида соҳани ислоҳ қилиш зарурати туғилди.

"Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилган "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси юқоридаги қайд этилган ҳолатларнинг қонуний ечимини белгилашга қаратилгандир.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида фракция аъзолари томонидан қонуннинг мақсади ва моҳияти билан бир қаторда, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида амалга оширилган ишларга алоҳида урғу берилди.

Қонун лойиҳаси бўйича масъул қўмита томонидан ўтган беш ойдан ошиқ вақт давомида депутатлар, қонун лойиҳаси ташаббускори, мутахассис ва экспертлар (амалиётчи прокурор ва адвокатлар), юридик бошқарма, лингвистлар билан биргаликда иккинчи ўқишга тайёрланган.

Мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракциямиз аъзолари бевосита иштирок этди ва депутаталаримиз томонидан берилган таклифлар ҳужжатда ўз аксини топди.

Жумладан, қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ва Раёсати томонидан тафтиш тартибида кўрилиши лозим бўлган жиноят иши оқилона муддатларда кўриб чиқилиши белгиланиб, ишларни кўриб чиқишнинг аниқ муддати белгиланмагани кўп эътирозларга сабаб бўлган эди.

Шунингдек, халқаро стандартларда ҳам «оқилона муддат» тушунчаси жиноят иши қўзғатилганидан то иш тамомлангунга қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

Шу нуқтаи назардан, фракциямиз берган таклифлари асосида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини суд орқали имкон қадар тезроқ тиклаш, хусусан, айбсиз шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш орқали одил судловни таъминлаш зарурлигидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида "оқилона муддат" масаласи қайта кўриб чиқилиб, ишларни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ва Раёсати томонидан тафтиш тартибида кўриб чиқишнинг аниқ муддатлари белгиланди.

Бундан ташқари, фракциямиз берган таклифларига кўра лойиҳа юқори инстанция суди муҳокамасининг предметига бағишланган умумий норма билан тўлдирилаётганлиги муносабати билан Жиноят-процессуал кодексининг амалдаги апелляция инстанцияси суднинг муҳокамаси, кўриб чиқиш муддати ҳамда айблов ҳукмини жиноят ишини тугатган ҳолда бекор қилишга бағишланган $497^{13}$-, $497^{14}$ ва $497^{27}$-моддалари лойиҳадан чиқариб ташланди.

Ўйлаймизки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши судлар учун ягона суд амалиётини шакллантиришга, судларнинг масъулиятини ошириб, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилишига, суд қарорларини қайта кўришда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар имкониятидан кенгроқ фойдаланишга, шунингдек, фуқароларнинг шикоят қилишга бўлган ҳуқуқлари доираси кенгайиши ҳамда уларнинг эътирози ва сарсонгарчилигининг олдини олишга хизмат қилади.

---

Инновация

# "ВИРТУАЛ БЕМОР" платформаси яратилди



**Масъудбек МАТЁҚУБОВ,**
**"Innovative Developers" МЧЖ директори**

***Мамлакатимизда кейинги 6-7 йил ичида ҳар бир соҳада, ҳар бир жабҳада жиддий ўзгаришлар, ривожланишлар юзага келмоқда. Соҳалардаги кўплаб корхоналарни автоматлаштириш, уларда инсон омилини камайтириш, ҳужжатлар юритишни соддалаштириш, ортиқча қоғозбозликнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар аввал кутилганидан ҳам илгарилаб кетди. Айниқса, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, архитектура, юриспруденция, IT технология, фан, таълим, инновация, соғлиқни сақлаш ва шу каби бошқа соҳаларни ислоҳ қилиш, уларнинг фаолиятини тубдан ўзгартириш, шунингдек, коррупциядан холи ва шаффоф тизимларни яратиш бўйича қилинган ишлар ўз самарасини бера бошлади.***

Айни шу нуқтаи назардан биргина таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишларини оладиган бўлсак, ушбу соҳаларнинг ривожланиши учун жуда кенг ва кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида Президентнинг соғлиқни сақлаш соҳасига оид 50 та фармон, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилинди. 6 та янги илмий-амалий тиббиёт марказлари, яъни Республика ихтисослаштирилган неврология ва инсульт илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика халқ табобати илмий-амалий маркази, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган гематология ва қон қуйиш илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика болалар кам инвазив ва эндоскопик хирургия илмий амалий маркази ташкил этилди. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳудудларда уларнинг 10 та филиали иш бошлади. Тиббиёт олийгоҳлари мустақил бошқарув тизимига ўтказила бошланди, тиббиёт таълим муассасалари фаолияти такомиллаштирилди.

Республикамизда тиббий таълим тизимини ислоҳ қилишдан асосий мақсад унинг сифатини ошириш, олий ва ўрта махсус профессионал тиббий таълим жараёнини халқаро тажрибалар даражасига кўтариш ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилашдан иборат. Шу сабабли юртимизда нуфузли хорижий таълим муассасалари филиалларини очиш, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва ихтисослашган тиббиёт марказлари ўртасида интеграцияни кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Юртимизда фаолият юритаётган "Innovative Developers" МЧЖ ҳам тиббий таълимни ривожлантириш, даволашнинг янги ва қулай услубларини жорий қилиш бўйича бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, ташкилот томонидан мамлакатда биринчи бор телемедицина клиникалари фаолияти йўлга қўйилди. Хориждан олиб келинган телемедицина асбоб-ускуналари ёрдамида реал вақтда ишлайдиган даволаш ва диагностика методлари Тошкент ва Самарқанд вилоятларида ташкил этилган "Telemed Clinic" хусусий клиникаларида амалга оширилмоқда. Бунда эса шифо илинжида бўлган беморлар хорижга ва юртимиздаги илмий-амалий марказларга бормай туриб ўз ҳудудида масофадан малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бунинг натижасида фуқароларимизнинг ортиқча вақт ва маблағ сарфлашига, уларнинг оворагарчилигига барҳам берилди. Шунингдек, "Innovative Developers" МЧЖ томонидан тиббий таълимни ривожлантириш, малакали тиббий кадрлар тайёрлаш, таълим беришда шаффофликни таъминлаш ҳамда талабаларнинг тиббий клиник жараёнларга тўлақонли киришини таъминлаш мақсадида "Виртуал бемор" платформаси яратилди. Ушбу платформадан фойдаланиш жараёнида тиббиёт ходими виртуал бемор билан суҳбат олиб бориш, диагностик текширувлардан ўтказиш, ташхис қўйиш ҳамда даволаш ишларини тўлақонли равишда амалга оширади. Бу эса унинг келгуси фаолиятида беморлар билан ишлаш жараёнида хато қилмасликка, аниқ ташхис қўйишга, тўғри даволашга замин яратади. Айни пайтда уни тиббиёт муассасаларига жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича якуний ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарининг мамлакат инновацион ривожланишига алоҳида эътибор қаратгани натижасида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан илмий фаолиятга доир Давлат дастури доирасида кўплаб лойиҳалар танловлари ташкил этилмоқда. Танловлар натижасида илмий фаолият бўйича ўз натижасини бера оладиган лойиҳалар саралаб олинади, молиялаштирилади ва амалиётга жорий қилиб борилиши назорат қилинади. Жумладан, "Innovative Developers" МЧЖ томонидан таклиф этилган "Виртуал бемор симуляцион дастурий маҳсулотини яратиш" лойиҳаси ҳам вазирлик томонидан танлов асосида ижобий баҳоланган ва молиялаштириш натижасида "Виртуал бемор" платформаси яратилган.

Бундай платформа дунё бўйича фақат ривожланган саноқли давлатларда, яъни АҚШ, Канада, Португалия, Буюк Британия, Австралия каби мамлакатларда мавжуд. Ушбу платформанинг Ўзбекистонда ҳам яратилиши ва амалиётга жорий қилиниши юртимизда тиббий таълимга бўлган эътиборнинг нақадар муҳимлигини кўрсатмоқда. Юртимизда яратилган платформани дунё ҳамжамиятига таништириш, масофадан ўқитиш жараёнини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда жаҳонда тиббий таълим бўйича миллий маҳсулот брендини яратиш мақсадида "Innovative Developers" МЧЖ вакиллари Европада фаолият юритадиган Масофавий таълим бўйича Европа ассоциацияси (EADL - European Association for Distance Learning)га ташриф буюришди ҳамда ассоциация томонидан ташкил этилган муҳокама йиғилишида қатнашишди. Маълум бир муддатда ташкил этиладиган ушбу йиғилишда Европанинг барча мамлакатларидан мутахассислар иштирок этди. Муҳокама давомида COVID-19 пандемиясидан кейин масофавий таълимнинг аҳамияти, унга бўлган талабнинг ошганлиги, унинг қулай ҳамда тежамкорлиги тўғрисида фикрлар алмашилди. Шу билан биргаликда, юртимиздан ташриф буюрган "Innovative Developers" ташкилотининг мутахассислари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этишди. Ҳамюртларимиз ўз чиқишларида Ўзбекистонда яратилган илк "Виртуал бемор" платформаси фаолиятини хорижликларга таништиришди. Тиббий таълимни ривожлантириш учун яратилган ушбу платформа ўзининг мукаммаллиги ва платформада актёрлар беморлар ролларини ижро этганлиги қатнашувчилар томонидан ижобий баҳоланди. Муҳокама сўнггида масофавий таълим бўйича европаликлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ҳамда мамлакатимизнинг Масофавий таълим бўйича Европа ассоциациясига аъзо бўлиши борасида келишиб олинди.

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Котибият — 71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъул котиб — Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

info@adolatgzt.uz
adolatgz-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 600

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади – 16106
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.00
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.